

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЎРОҚОВ УЧҚУН ЮНУСОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Phd) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Phd) on  
economical sciences**

**Ўроков Учқун Юнусович**

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш  
йўллари ..... 3

**Уроков Учқун Юнусович**

Пути совершенствования повышения самостоятельности местных бюджетов  
.....27

**Urokov Uchkun Yunusovich**

Ways to improve increasing the independence of local budgets .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЎРОҚОВ УЧҚУН ЮНУСОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.3.Phd/Iqt984 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хайдаров Низамиддин Хамраевич</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Жумаев Нодир Хосиятович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Усмонов Кахрамонжон Акбаралиевич</b> иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат иқтисодиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ соат\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26. [info@tfi.uz](mailto:info@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Тешабоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.Н.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, аксарият мамлакатларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, инвестицион фаолликни ошириш, мавжуд инфратузилмани янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш маҳаллий бюджетлар орқали таъминланмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD – Organisation for Economic Cooperation and Development)нинг молиявий ҳисоботида кўра, унга аъзо бўлган айрим мамлакатларда 2018 йил якуни бўйича маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджетдаги улуши ўртача 51 фоизни, хусусан, «бу кўрсаткич Белгияда 46%, Финляндияда 40,1%, Канадада 67,9%, Данияда 63,6%, Германияда 39,1%, Швецияда 50,4%, Швейцарияда 57,7%, АҚШда 48,8% ни ташкил этади»<sup>1</sup>. Халқаро тажрибалар тасдиқлашича, маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг оширилиши маҳаллий ҳокимият зиммасидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни самарали ижросининг таъминланишига имкон беради.

Жаҳон амалиётида бюджет харажатлари мажбуриятининг катта қисмини марказий бюджетдан қуйи бюджетларга ўтказиш механизми илмий тадқиқ этилмоқда. Дунёнинг 100 дан ортиқ давлатида фискал номарказлаштиришни назарда тутувчи у ёки бу кўринишдаги илмий изланишлар шулар жумласидандир. Илмий тадқиқотларда номарказлаштиришнинг ижобий ва салбий хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ўрганилган бўлса-да, аммо маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ва ҳажмини кенгайтириш орқали улар мустақиллигини ошириш, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ижросини таъминлашдаги манфаатдорлигини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар ижроси жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги уларни ўз вақтида ва зарур миқдорда молиявий маблағ билан таъминланишига бевосита боғлиқдир. Афсуски, маҳаллий бошқарув органлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда ўз маблағларининг етишмаслик муаммоси ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Хусусан «...ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас»<sup>2</sup>. Шу муносабат билан «...ҳар бир туман ва шаҳарда, республика аҳамиятига молик йирик корхоналар ҳиссасини эътиборга олмаган ҳолда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг

<sup>1</sup> OECD Fiscal Decentralisation Database (<https://www.oecd.org/ctp/federalism/fiscal-decentralisation-database.htm>).

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 33.

барча туманларини субвенциядан чиқаришни сўзсиз таъминлаш керак»<sup>3</sup> лиги, шунингдек, «...маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур»<sup>4</sup> лиги муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ижобий амалга оширилишида маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун маҳаллий бюджетларнинг марказ бюджетига қарамлигини кескин камайтириш, бюджетлараро муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш ва маҳаллий бюджетлар маблағларини самарали бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришларини таъминлаш муҳим омил ҳисобланади. Бунда маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари базасини кенгайтириш, харажат мажбуриятларини оптималлаштириш асосида уларнинг мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади ва мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сон «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 7 июндаги ПҚ-3042-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бюджет тизими, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар, улар даромадлари ва харажатлари таркиби ва тузилмаси, бюджетлараро муносабатлар, маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришнинг концептуал асослари ва амалий жиҳатлари узоқ хорижлик

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 9.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-2018>.

олимлардан C.Dziobek, Mangas Gutierrez, P.Kufa, Jorge Martinez-Vazquez, Andrey Timofeev, Nicoletta Ferugilo, J.Wallis, W.Oates кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>5</sup>.

Яқин хорижлик олимлардан Я.Андреев, О.Бежаев, О.Врублевская, Л.Дробозина, С.Лушин, Г.Поляк, В.Родионова, М.Романовский, В.Слепов, Д.Черник, С.Шаталовларнинг илмий тадқиқот ишларида<sup>6</sup> бюджетлараро муносабатлар, маҳаллий бюджетларнинг хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли, маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари ўрганилган.

Шунингдек, республикада маҳаллий бюджетларга оид масалалар М.Алимардонов, А.Ваҳобов, Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, А.Жўраев, Х.Жамолов, Т.Маликов, А.Маманазаров, О.Олимжонов, Ш.Тошматов, Н.Хайдаров, Б.Тошмуродова, Қ.Яхъёев, Н.Қўзиева ва бошқа иқтисодчи олимларнинг ишларида ёритилган<sup>7</sup>.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундиришнинг назарий-амалий жиҳатлари Б.Абибуллаев, Ж.Есмурзаев, С.Жубаев, А.Маманазаров, А.Сувонов, Қ.Тожибоева, Ҳ.Қобулов, Х.Қурбонов, А.Хайридинов томонидан тадқиқ қилинган<sup>8</sup>.

---

<sup>5</sup> Dziobek C., Gutierrez Mangas and P. Kufa (2011). Measuring Fiscal Decentralization – Exploring the IMF's Databases. International Monetary Fund Working Paper 11/126, Washington, DC.; Jorge Martinez-Vazquez and Andrey Timofeev (2009). Decentralization Measures Revisited. Andrew Young School of Policy Studies, Georgia State University, USA; Nicoletta Ferugilo (2007). Overview of Fiscal decentralization. UNDP.; Wallis J., Oates W. Decentralization in the Public Sector: An Empirical Study of State and Local Government // Fiscal Federalism: Quantitative Studies / Ed. by H. Rosen. Chicago: University of Chicago Press, 1988. – P. 13-15.

<sup>6</sup> Андреев Я. Межбюджетные отношения в регионе: опыт, проблемы, решения (на материалах Ярославской области). – М.: Новый Логос, 2003. – С.19.; Бежаев О. Межбюджетные отношения: теория и практика реформирования. – М.: Экзамен, 2001. – 128 с.; Врублевская О. Финансы, денежное обращение и кредит. – М.: Юрайт, 2001. – 368 с.; Дробозина Л. Финансы. – М.: ЮНИТИ, 2003. – 527 с.; Лушин С., Слепов В. Государственные и муниципальные финансы. – М.: Экономист, 2006. – 317 с.; Поляк Г. Бюджетная система Российской Федерации. – М.: ЮНИТИ, 2001. – 540 с.; Родионова В. Финансы. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 478 с.; Романовский М., Врублевская О., Сабанти Б. Финансы: Учебник для вузов. – М.: Юрайт, 2019. – 523 с.; Финансы: учебник / Под ред. М.Романовского и др. – М.: Высшее образование, 2010. – 462 с.

<sup>7</sup> Алимардонов М., Тухсанов Қ. Солиқлар назарияси. – Т.: Адабиёт, 2005. – 209 б.; Ваҳобов А., Жамолов Х. Соғласование межбюджетных отношений. – Т.: Молия, 2002. – 239 с.; Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005. – 245 б.; Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. – 128 б.; Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 1996. – 241 б.; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 242 б.; Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007. – 245 б.; Маликов Т., Жалилов П., Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.; Маликов Т., Ваҳобов Д., Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 660 б.; Маликов Т. Молия. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2018. – 268 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молия. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – 800 б.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Монография. – Т.: Ma'rifat-madadkor, 2001. – 120 б.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли: Монография. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2008. – 204 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Хайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.; Хайдаров Н. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Академия, 2005. – 128 б.; Яхъёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.; Қўзиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. – 296 б.

<sup>8</sup> Абибуллаев Б. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс.– Т.: 2009. – 137 б.; Есмурзаев Ж. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишларида маҳаллий бюджетларнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса-да, айнан, маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу ҳолат ҳам танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №ИТИ-3 «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш ва уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамиятини асослаш;  
маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг иқтисодий моҳиятини ва уни аниқловчи кўрсаткичларни тизимли тадқиқ этиш;

маҳаллий бюджетлар даромадлари таркиби ва харажатлари йўналишларини тавсифлаш ва таснифлаш;

маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларига оид тенденцияларни тадқиқ этиш;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш;

маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий бюджетлар, жумладан Бухоро вилояти маҳаллий бюджети бюджет жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар хизмат қилади.

---

Республикаси мисолида): и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2007. – 20 б.; Жубаев С. Проблемы формирования местных бюджетов: автор. дисс. канд. экон. наук. – Т.: 2004. – 20 с.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс.– Т.: 2002. – 131 б.; Суванов А. Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари: и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2005. – 18 б. Тожибоева Қ. Пути формирования и совершенствования доходной и расходной частей местных бюджетов Республики Каракалпакстан. Автор. дисс. ...канд. экон. наук. – Т.: 2004. – 22 с.; Қобулов Х. Ҳудудий иқтисодий ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. – Т.: 2006. – 129 б.; Қурбонов Х. Бюджетларо муносабатларни такомиллаштириш: и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. – Т.: 2010. – 146 б. Хайриддинов А. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс.– Т.: 2009. – 124 б.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда абстракт-мантиқий фикрлаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил, таҳлил ва синтез каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

республика бюджетига ажратма қилинадиган солиқлар бўйича прогноздан ортиқча тушган қисмини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш асосида маҳаллий ҳокимлик идораларининг бюджетга қўшимча даромад туширишдаги манфаатдорлигини ошириш таклиф этилган;

алкоголь маҳсулотлари ва мобиль алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи тушумларини аҳоли сонидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетларга тақсимлаш орқали маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш ва даромадларини барқарорлаштириш асосланган;

маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларини республика бюджетига ўтказиш асосланган;

маҳаллий бюджетларнинг захира жамғармалари миқдорини тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти ва мустақиллигини ифодаловчи илмий асосланган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари таркиби таснифланган ҳамда тавсифланган;

маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш, қўшимча даромад манбаларини шакллантириш ва захираларини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари манфаатдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

маҳаллий бюджетларга оид статистик маълумотларнинг очиқлиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, «Очиқ бюджет» портали ва «Ташаббусли бюджет» фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар шакллантирилган;

маҳаллий бюджетлар лойиҳасини тузишда янги бюджет тақвимини жорий этиш ҳамда бюджет сўровини шакллантириш жараёнини автоматлаштириш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Очиқ бюджет» портали, Бухоро вилояти молия бошқармасининг расмий статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар

маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда кенг кўламда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш орқали худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилиши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий ҳокимлик идораларининг бюджетга қўшимча даромад туширишдаги манфаатдорлигини ошириш мақсадида республика бюджетига ажратма қилинадиган солиқлар бўйича прогноздан ортиқча тушган қисмини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 06/04-02-01-32-2258-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2020 йил I ярим йиллигида 210 млрд. сўм маблағ маҳаллий бюджетларга (маҳаллий бюджетлар жами даромадларининг 1,2%) ўтказиб берилишига эришилган;

маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш ва даромадларини барқарорлаштириш мақсадида алкоголь маҳсулотлари ва мобиль алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи тушумларини, аҳоли сонидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетларга тақсимлаш юзасидан таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 06/04-02-01-32-2258-сон маълумотномаси). Натижада 2020 йил январь-август ойларида 1784 млрд. сўм маблағ маҳаллий бюджетларга (маҳаллий бюджетларнинг умумий даромадларининг 10,4%) ўтказиб бериш имконияти яратилган;

маҳаллий бюджетларнинг харажатлари таркибини мақбуллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг 2019 йил 27 декабрдаги 04/1-06-117-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетига ўтказилиши таъминланган;

маҳаллий бюджетларнинг захира жамғармалари миқдорини тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг 2019 йил 27 декабрдаги 04/1-06-117-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳаллий бюджетлардан кечиктириб бўлмайдиган ҳамда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг иқтисодий моҳияти ва уни белгиловчи омиллар баён қилинган. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишга таъсир этувчи омиллар гуруҳлаштирилган. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари таснифланган ва тавсифланган.

Давлат бюджети тузилмаси таркибидаги маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилаётган пайтда, биринчи навбатда, маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиш, бу борадаги умумий позицияни шакллантириш талаб этилади. Шу муносабат билан маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳияти ҳамон иқтисодий адабиётларда<sup>9</sup> турлича талқин қилинаётганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Маҳаллий бюджетларнинг моҳиятини ўзида мужассам этувчи таърифларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида, фикримизча, маҳаллий бюджетларга хос бўлган энг муҳим характерли белгиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Улардан биринчиси, энг аввало, тегишли вилоят, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга қаратилганидир. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимият органларининг ўзига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун даромадлар манбалари ва тушумлар миқдорига эга бўлмоғи лозим. Бу уларнинг иккинчи муҳим характерли белгиси ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маҳаллий ҳокимиятга бўйсунувчи корхона, ташкилот ва муассасалар молиялаштирилади. Бу эса аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишларини назарда тутди. Бу – маҳаллий бюджетларга тегишли учинчи муҳим характерли белги.

---

<sup>9</sup> Берзова Н.И. Финансы: учебник для бакалавров / Н.И. Берзова. – М.: Юрайт, 2014. – С. 166.; Бочаров В.В., Леонтьев В.Е., Радковская Н.П. Финансы. – СПб.: Питер, 2009. – С. 376.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия: Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2019. – Б. 764.; Қосимова Г., Шаакрамов К. Маҳаллий бюджетлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2012. – Б.14.; Қобулов Х.А. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2006. – Б. 25.; Нурмухамедова Б.И. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод Молия, 2018. – Б. 531.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2002. – Б.20.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керакки, маҳаллий бюджетларга хос юқоридаги характерли белгиларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида намоён бўлган тақдирдагина улар маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳиятини тўла маънода ифода этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тегишли маъмурий ҳудуд (вилоят, туман ва шаҳар) эҳтиёжлари учун шакллантирилган, меъёрлаштирилган ҳамда қонуний равишда тасдиқланган даромадлар ва харажатларга эга пул жамғармасига маҳаллий бюджет дейилади.

«Маҳаллий бюджетлар мустақиллиги» дейилганда кўзда тутилган харажатларни молиялаштиришда ўз даромадларининг етарлилиги ҳолати назарда тутилади. Шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги маҳаллий ҳокимиятнинг тасдиқланган бюджет-солиқ қонунчилиги асосида тегишли маъмурий ҳудуд бюджети даромадларини шакллантириш ва харажатларини амалга оширишдаги ваколатлари даражасини ифодалайди.


Бир вақтнинг ўзида маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадлар ва харажатлар тақсимотига ҳам бориб тақалади. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўз даромадлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилиши маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги маҳаллий бюджетдан кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида амалга ошириш, тўлиқ ва самарали молиялаштирилишини таъминлаш имконини беради. Аниқроқ тарзда, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги ҳудудларнинг солиқ ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали молиявий ресурсларни кенгайтириш асосида ўз маблағлари ҳисобидан ушбу бюджетда кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа харажатлар мажбуриятларини қоплаш имкониятини ифода этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, «маҳаллий бюджетлар мустақиллиги»нинг иқтисодий моҳиятини қуйидагича таърифлаш мумкин: ҳудудларнинг солиқ ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали молиявий ресурсларни кенгайтириш асосида ўз даромадлари ҳисобидан кўзда тутилган харажат мажбуриятларини қоплаш имкониятига маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги дейилади.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини аниқлашда энг муҳим кўрсаткичлар сифатида маҳаллий бюджетларнинг харажатларига тенг миқдордаги ўз даромадлари билан таъминланганлиги, даромадлари таркибида трансфертлар улушининг камлиги (ёки кўплиги), маҳаллий ҳокимиятнинг тегишли бюджетни эркин тасарруф этишдаги ваколатлари даражасини қайд этиш мумкин.


Маҳаллий бюджетлар мустақиллиги нисбий характерга эга бўлиб, бунда маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг таркибий тузилмаси ва миқдори катта аҳамиятга эга (1 ва 2-расмлар). 1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, маҳаллий бюджетлар харажатларини қоплаш манбалари бўлиб, ўз даромадлари, бириктирилган даромадлар, тартибга солувчи даромадлар ҳамда трансфертлардан иборат.



**1-расм. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг таснифи ва тавсифи<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини эса қуйидагича таснифлаш ва тавсифлаш мумкин: I даражали (Қорақалпоғистон Республикасининг республика ва вилоятларнинг вилоят) маҳаллий бюджет ва II даражали (туман ва шаҳар) маҳаллий бюджет харажатлари (2-расм).



**2-расм. Маҳаллий бюджетлар харажатлари таснифи ва тавсифи<sup>11</sup>**

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг ўзаро муносиблигини таъминлаш ва уларнинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини ошириш долзарб муаммо ҳисобланиб, республикада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигига боғлиқ бўлади. Унга мувофиқ, барча маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари мувозанатига эришиши зарур.

Маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги етарли миқдорда ўз даромадларининг мавжудлиги билан белгиланар экан, бунда, албатта, ҳудудларнинг молиявий ва табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад манбаларини кенгайтириш муҳим ўрин эгаллайди.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг таъминланиши ва оширилишида турли хил омиллар таъсирининг ҳисобга олинishi муҳим амалий аҳамият касб этиб, уларни, фикримизча, пайдо бўлиш манбалари ва

<sup>11</sup> Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маҳаллий ҳокимият органларининг имкониятлари (ваколатлари)дан келиб чиқиб, ташқи ва ички омилларга гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир (3-расм).



**3-расм. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг таъминланиши ва оширилишига таъсир этувчи омиллар<sup>12</sup>**

Ташқи омилларнинг муҳим хусусияти шундаки, маҳаллий ҳокимият идоралари ушбу омилларнинг ўзгаришига сезиларли даражада таъсир ўтказа олмайди. Ички омиллар эса маҳаллий ҳокимият идораларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб, улар томонидан маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг оширилишига фаол тарзда таъсир кўрсатишлари мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатда маҳаллий бюджетларнинг юқори бюджетга қарамлигини камайтириш, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш, бюджет жараёнида фуқаролар иштирокини ва жамоатчилик назоратини таъминлаш борасида қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда назарда тутилган чора-тадбирлар

<sup>12</sup> Илмий тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.



маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлашга ҳамда уларнинг молиявий жихатдан мустақиллигини оширишга маълум даражада хизмат қилмоқда.

Илмий ишнинг «**Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишнинг амалдаги ҳолати ва унга оид тенденциялар таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари мутаносиблиги ҳамда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш амалиёти тадқиқ этилган.

2016-2019 йилларда давлат бюджети даромад ва харажатларининг ўсиш суръатлари маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлган. Бундай ҳолат мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Таҳлил қилинган даврда маҳаллий бюджетлар даромадларининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши ўртача 34,3 фоизни, маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улуши ўртача 47,2 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатларининг ўзгариши (млрд. сўмда)<sup>13</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2016	2017	2018	2019
1.	Давлат бюджети даромадлари	41043,5	49681,0	79099,0	112165,4
2.	Маҳаллий бюджетлар даромадлари	16303,3	18536,3	22944,3	35134,2
3.	Давлат бюджети харажатлари	40911,3	49343,7	79736,1	118008,7
4.	Маҳаллий бюджетлар харажатлари	21503,2	23089,1	36035,8	52049,7

Бу эса маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджети харажатларининг қарийб ярмини ташкил этиши давлатнинг асосий ижтимоий вазибаларининг маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилади намоён бўлади.

2016-2019 йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари 2,1 баробарга, харажатлари эса 2,4 баробарга кўпайган. Бу эса, бир томондан, маҳаллий бюджет даромадларининг харажатларига мутаносиб эмаслигини кўрсатса, иккинчи томондан, мамлакатда ижтимоий соҳа тараққиётига устувор аҳамият бериладилигидан дарак беради. Ўз навбатида, бюджет қонунчилигига кўра, маҳаллий бюджетлар тақчиллик билан молия йилини яқунлашига йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан молиявий трансфертлар орқали маҳаллий бюджетларнинг тақчиллиги қопланиб келинмоқда.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий вев сайти ([www.mf.uz](http://www.mf.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Худудларнинг иқтисодий салоҳияти, табиий шарт-шароитлари, меҳнат ресурслари турлича бўлганлиги, табиий равишда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларни келтириб чиқаради. Ўз навбатида, бу маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланишига ҳам боғлиқ бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

**2016-2019 йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида худудлар бюджети даромадларининг салмоғи (фоиз ҳисобида)<sup>14</sup>**

№	Худудлар	Йиллар			
		2016	2017	2018	2019
1.	Андижон вилояти	6,4	6,8	7,4	7,5
2.	Бухоро вилояти	7,3	7,2	6,0	6,9
3.	Жиззах вилояти	2,9	3,9	4,1	3,5
4.	Қашқадарё вилояти	10,8	9,6	10,2	10,8
5.	Навоий вилояти	4,8	4,0	5,3	5,3
6.	Наманган вилояти	5,2	5,6	5,9	6,4
7.	Самарқанд вилояти	8,0	8,4	8,6	7,3
8.	Сурхондарё вилояти	5,0	5,6	6,0	5,3
9.	Сирдарё вилояти	2,8	3,1	3,1	2,3
10.	Тошкент шаҳри	14,3	13,2	12,2	10,7
11.	Тошкент вилояти	11,1	9,6	8,5	10,6
12.	Фарғона вилояти	10,9	11,4	8,0	10,9
13.	Хоразм вилояти	4,5	4,8	4,8	4,2
14.	Қорақалпоғистон Республикаси	5,8	7,0	9,8	8,4
<b>Жами</b>		<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Хусусан, 2016-2019 йилларда худудлар маҳаллий бюджетларининг жами даромадлари таркибида Тошкент шаҳри (ўртача 12,6%), Тошкент (ўртача 10%), Фарғона (ўртача 10,3%), Қашқадарё (ўртача 10,4%) вилоятлари бюджетлари даромадлари бошқа худудлар даромадларига нисбатан юқори бўлган. Бундай ҳолатни мазкур худудларнинг иқтисодий салоҳияти юқорилиги ва саноатининг нисбатан ривожланганлиги, тадбиркорлик фаолиятининг таракқиёти ҳамда солиқ тўловчилар сонининг кўплиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, худудлар бюджети даромадларининг жами маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибидаги улушининг сезиларли даражада фарқланиши даромад манбаларининг миқдорига ҳам тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жумладан, Бухоро вилояти маҳаллий бюджети даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ўртача 18,7%), қўшилган қиймат солиғи (ўртача 14,4%), акциз солиғи (ўртача 11,9%), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (ўртача 8,5%) катта салмоққа эга бўлмоқда. Охириги йиллардаги амалга оширилган солиқ ислохотларининг натижасида вилоят бюджети даромадлари таркибида ягона

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар улуши ўртача 9% ни ва юридик шахслар мол-мулк солиғи ўртача 11,3% ни ташкил этган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Бухоро вилояти маҳаллий бюджети даромадлари таркиби (млн. сўмда)<sup>15</sup>**

№	Даромадлар турлари	Йиллар			
		2016	2017	2018	2019
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	23689,9	26953,3	105 896,6	383 290,6
2.	Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	131412,3	134801,3	194952,7	104795,2
3.	Хусусий тадбиркорлар учун катъий белгиланган солиқ	59810,2	75011,5	72893,9	45838,4
4.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	111561,3	129768,8	324027,4	619679,8
5.	Жисмоний шахслар ер солиғи	26545,0	32418,8	46537,0	67978,9
6.	Қўшилган қиймат солиғи	235 193,4	239 521,3	60 594,7	374 983,1
7.	Акциз солиғи	231 479,7	154 111,0	131 352,9	234 131,3
8.	Юридик шахслар ер солиғи	45042,9	45003,3	37166,5	69183,8
9.	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	25606,2	29943,1	39142,2	50426,6
10.	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	55892,2	195416,0	221519,6	242686,5
11.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1093,3	1560,5	915,4	4593,1
12.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	1634,4	0,0	24080,9
13.	Бошқа даромадлар	247443,8	269470,3	147028,7	187878,2
<b>Жами</b>		<b>1194770,2</b>	<b>1335613,5</b>	<b>1383027,6</b>	<b>2409546,3</b>

Тегишли вилоят маҳаллий бюджетларининг мустақиллиги даромад манбалари билан биргаликда вилоят бюджети таркибидаги туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари миқдорига ҳам боғлиқ бўлади. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари барқарорлигини ошириш, улар мустақиллигини таъминлаш учун солиқлардан берилаётган ажратмалар бюджет қонунчилигига мувофиқ ҳудудларнинг вилоят бюджетига қолдирилмоқда. Хусусан, Бухоро вилояти маҳаллий бюджетлари таркибида вилоят бюджети даромадлари катта салмоққа эга (ўртача 61,7%). Туман ва шаҳар бюджетлари даромадларининг салмоғи эса паст даражада (4-жадвал). Қайд этиш жоизки, маҳаллий бюджетлар баланслигини таъминлаш улар даромадларининг харажатларига мутаносиб бўлишини тақозо этади ва харажатлар таркибини таҳлил қилиш, шу асосда уларни оптималлаштириш маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бухоро вилояти маҳаллий бюджетидан ижтимоий соҳа, шу жумладан, таълим ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва меҳнат фаолиятини

<sup>15</sup> Бухоро вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


моддий рағбатлантиришга қаратилган харажатларнинг ошиши улар даромадлари ва харажатларининг ўзаро номуаносиблигига олиб келган.

**4-жадвал**

**Бухоро вилоятининг туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг вилоят бюджетидagi салмоғи (фоиз ҳисобида)<sup>16</sup>**

№	Маҳаллий бюджетлар	Йиллар			
		2016	2017	2018	2019
1.	Вилоят бюджети	49,4	38,7	78,8	80,0
2.	Бухоро шаҳри	10,4	10,2	3,4	2,5
3.	Когон шаҳри	2,6	2,7	1,1	0,8
4.	Олот тумани	2,6	2,6	1,7	1,0
5.	Бухоро тумани	4,5	2,9	1,3	1,4
6.	Вобкент тумани	2,2	4,4	1,4	1,2
7.	Ғиждувон тумани	6,4	6,7	2,3	2,2
8.	Когон тумани	3,0	2,6	1,0	0,8
9.	Қоракўл тумани	3,8	11,6	1,5	1,6
10.	Қоравулбозор тумани	2,2	2,6	0,9	1,8
11.	Пешку тумани	2,6	2,8	1,6	1,4
12.	Ромитан тумани	4,4	5,6	1,6	2,6
13.	Жондор тумани	3,6	4,0	1,7	1,3
14.	Шофиркон тумани	2,3	2,4	1,7	1,5
	<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

Шунинг учун вилоятнинг ўз ва бириктирилган даромадлари миқдори билан уларнинг харажат мажбуриятлари ўртасидаги фарқ молиявий трансфертлар орқали қопланган (4-расм). Бу, ўз навбатида, Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг юқори бюджетга қарамлигини оширади ва уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳамда ошириш имконини бермайди.



**4-расм. Бухоро вилояти маҳаллий бюджетига республика бюджетидан ажратилган молиявий трансфертлар миқдори (млн. сўмда)<sup>17</sup>**


<sup>16</sup> Бухоро вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>17</sup> Бухоро вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий трансфертларга бўлган эҳтиёжни камайтириш ва маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва молия органлари ўз ваколатлари доирасида маҳаллий бюджет даромадларидан оқилона фойдаланишлари, мавжуд маблағларнинг мақсадли сарфланиши учун шахсий жавобгарлик ва масъулиятларини оширишлари, шунингдек, харажатларнинг мақсадлилигини ва манзиллигини таъминлаш жараёнларини назорат қилишлари талаб этилади.

**«Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишни таъминлаш масалалари»** деб номланган учинчи бобда маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни белгиловчи омиллар асосланган ва такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилган.

